

# **Ўқитувчи ва тарбиячилар дараҳт экишда ҳам ўрнак бўлишмоқда**



Термиз туманида 32 та мактаб, 80 дан ортиқ мактабгача таълим ташкилотлари фаолият юритади. Ушбу таълим-тарбия масканларида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ўтказилаётган “Долзарб 40 кунлик”да кузги дараҳт, бута ва гул кўчатларини экиш қизғин олиб борилмоқда.

Хар бир мактаб ва боғча ҳудудида турли манзарали ва мевали дараҳт кўчатлари экилиб, боғлар, яшил ҳудудлар ташкил этиляпти. Ушбу масканларда эртанги мусаффо табиат гарови ҳисобланган дараҳт кўчатларининг экилиши болажонлар ва ўқувчиларга ҳам ўрнак бўлмоқда.

Эслатиб ўтамиз, туманда “Долзарб 40 кунлик” давомида 405 минг кўчат экиш режалаштирилган бўлиб, режага мувофиқ кунлик дараҳт, бута ва гул кўчатлари экиш йўлга қўйилган.